



## НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Отақулов Ниёзбек Анвар ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси ўқитувчиси  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8397790>

### ARTICLE INFO

Received: 24<sup>th</sup> September 2023  
Accepted: 29<sup>th</sup> September 2023  
Online: 30<sup>th</sup> September 2023

### KEY WORDS

Ноқонуний миграция, Меҳнат миграцияси, Халқаро меҳнат миграцияси, халқаро ҳамкорлик.

### ABSTRACT

Мазкур илмий мақолада ноқонуний миграция тушунчаси, Меҳнат миграцияси, Халқаро меҳнат миграциясининг турлари, Доимий асосдаги меҳнат миграцияси, Вақтингачалик меҳнат миграцияси, Мавсумий меҳнат миграцияси, Ақл миграцияси, одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларга доир илмий холоса, амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Сўнгги пайтларда халқаро миқёсда глобаллашув жараёни: турли хавф-хатар ва таҳдидлар, халқаро терроризм, экстремизм, ноқонуний миграция ва одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, турли бузғунчи ғояларнинг шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳди迪 тобора кучайиб бориши дунё ҳамжамиятини тобора ташвишга солмоқда. Шундан келиб чиқиб, давлатда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш, айни дамда ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари, муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев ўз фикрларини қуйидагича баён қилди: “Бугунги шароитда терроризм, экстремизм ва наркобизнес таҳдидлари нафақат сусаймаяпти, балки кучайиб, янги шакллар касб этмоқда. Ёшлини ёллаш ва радикаллаштириш, террорчиларни молиялаштиришда ахборот технологиялари, ижтимоий тармоқларнинг роли ортиб бормоқда. Шу маънода, ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасини Ташкилот маконида хавфсизликни таъминлаш бўйича принципиал жиҳатдан янги вазифаларни ҳал қилишга мослаштириш зарурати ортиб бормоқда. Шу муносабат билан ваколатли идораларнинг амалий мулоқотларини бир неча баробар кўпайтириш, ҳамкорликнинг янги механизmlарини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Жорий вазиятни мунтазам муҳокама қилиш, шу жумладан, ахборот маконидаги хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги қўшма чоратадбирларни келишиш муҳим. Пировардида, ШХТ минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга умумий ҳиссамиз шунга боғлиқдир. Баён этилган барча йўналишларда кузатувчи мамлакатлар, мулоқот бўйича шериклар ва халқаро



ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаоллаштиришини таклиф этамиз”[1].

Ушбу фикрлардан англаш мумкинки, ҳалқнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, давлатга бўлиш эҳтимоли мавжуд турли ташқи таъсирлардан, ёт ғоялардан аҳоли вакиллари, айниқса ёшларни ҳимоя қилиш, шу жамиятда белгиланган ваколатга эга давлат хизматчиларининг, жумладан ИИОлари ходимларининг олдидаги асосий вазифалардан биридир.

Ноқонуний миграция ва одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар жамиятга ва инсонларнинг тинчлиги ва осойиштлагига жиддий заарар етказадиган, ижтимоий муносабатларга ўзининг салбий оқибатлари билан таъсир этадиган хавфлардан бири ҳисобланади.

Одам савдоси ва миграция билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишида “ноқонуний миграция” атамасининг мазмун ва моҳиятини чуқур англаб олишимиз зарур.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *ноқонуний* [но.. + қонуний] қонунга зид, қонуний бўлмаган” [2], ҳамда *миграция* [лот. Мигратио – (аҳолининг) бир жойдан бошқа жойга кўчиши] Аҳолининг мамлакат доирасида бир жойдан бошқа жойга ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиши ёки кўчириш маъносида қўлланилиши ёзилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида белгиланган **100** та мақсадидан 86 мақсадида, ноқонуний ташқи меҳнат миграцияси ва одам савдосига қарши курашиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш белгиланганлиги бежиз эмасдир[3].

МДҲга аъзо давлатлар томонидан имзоланган “Ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида”ги битим ноқонуний миграция билан боғлиқ ҳолда содир эгилаётган одам савдосига қарши кураш бўйича ҳамкорлиқда фаолият олиб борища алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Афсуски, амалга оширилаётган кенг қўлламли ишларга қарамай, юртимиизда айрим ғаразгўй шахслар томонидан одамларнинг ишончини суиистеъмол қилиб, уларни алдаб чет элга ноқонуний олиб чиқиш, шаҳвоний ва бошқа ғаразли мақсадларда эксплуатация қилиш билан боғлиқ одам савдоси жиноятлари ҳамон содир этилмоқда. Унинг оқибатида жисмоний шахслар “товар”га айланадилар, яъни сотиб олиш ёки сотиб юбориш, ҳадя қилиш, топшириш ва бошқалар учун обьект бўлишлари мумкин. Жабрланувчилар асосан яшаётган давлатдан бошқа давлатларга бошқа давлат чегараларидан ҳар хил йўллар билан (қонуний ёки ноқонуний равишда) ўтишлари орқали сотиб юборилади. Кўриниб турибдики, ушбу жиноят чегара билмайди, бу шахсларга нисбатан барча ёки айрим кўринишдаги хукуқий эгалик аломатлари амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 15 апрелдаги “Ноқонуний миграцияга қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги битимнинг 1-моддасида томонлар ўз давлатларининг қонунчилиги ва ҳалқаро мажбуриятларига мувофиқ ноқонуний миграцияга қарши курашишда ҳамкорликни амалга оширадилар[4].



Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг 37-моддаси “Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик” [5] деб номланган бўлиб, унда одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қуйидагича бўлинган:

Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги халқаро шартномаларини, шу жумладан одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашуви масалалари бўйича халқаро шартномаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни тузишни ташкил этиш;

одам савдосининг ва у билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, уларга чек қўйиш мақсадида чет давлатларнинг ихтисослаштирилган ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш, шу жумладан тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш;

одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган тезкор хабардор қилишнинг, таъсир чоралари кўришнинг ва назорат қилишнинг ахборот тизимларини ва воситаларини биргаликда яратиш ҳамда ривожлантириш;

одам савдосига қарши курашиш соҳасида тажриба алмашиш.

Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари чет давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборот тақдим этиш тўғрисида сўровлар юбориш ва уларнинг сўровларига жавоб қайтариш ҳуқуқига эга.

Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва ташкилотлар одам савдосининг олдини олиш, одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш, уларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи халқаро ва чет эл ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга ошириши мумкин.

Шунингдек, сўнгги йилларда шахсларнинг ижтимоий тармоқлар орқали мулоқот жараёнининг янада кенгайишини ҳам одам садоси билан боғлиқ жиноятларнинг юзага келиш омилларидан бири сифатида кўриш мумкин. Бу борада тадқиқотчи А.А. Таштемиров: “ҳар қандай ҳолатда ижтимоий тармоқ орқали кечадиган маълумот алмашинув жараёнида шахсий, молиявий ёки ёлғон (тасдиқланмаган манбага эга) ахборотларни алмашинуви бўйича ўз-ўзини ҳимоялаш қўникмасини шакллантириш” зарурати мавжудлигини таъкидлайди[6].

Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи халқаро ва чет эл ташкилотлари билан ҳамкорлик одам савдосига қарши курашишга, шу жумладан одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш марказларини ташкил этиш воситасида қарши курашишга қаратилган халқаро техник ёрдам кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш шаклида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим, булар:

- одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг ва чет элга чиқиб кетган шахсларнинг статистика ҳисобини ташкил этиш ва амалга ошириш;



- одам савдоси ва ноқонуний миграция билан шуғулланувчи шахслар, уюшган жиноий гурухлар ва уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш бўйича халқаро ташкилотлар ҳамда бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликни бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора тадбирлар;
- одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш ҳамда чет элга чиқиб кетган шахслар бўйича тадбирларни мувофиқлаштиришни, Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мутасадди давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора тадбирлар;
- аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида одам савдоси ва ноқонуний миграциянинг салбий оқибатларини тарғиб қилиш мақсадида амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарзда ёритиб борилиши;
- Ўзбекистон Республикасининг икки ва кўп томонлама халқаро шартномаларида назарда тутилган, ички ишлар органлари ваколатига кирувчи одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашишга оид тадбирларни амалга ошириш;
- чет элга чиқиб кетган шахслар орасидан трансмиллий ҳамда одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш борасида, ички ишлар органлари тизимларида ишларни ташкил қилишни ва мувофиқлаштиришни ҳамда назорат қилиш;
- одам савдоси билан шуғулланадиган шахслар, жабрланувчилар ва чет элга чиқиб кетган фуқароларни ҳисобга олиш борасидаги вазифаларни, ушбу йўналиш бўйича марказлаштирилган ахборот базаси маълумотларидан самарали фойдаланиш;
- фуқароларимизнинг чет элга турли сабабларга кўра, республика ҳудудидан чиқиб кетишиларига сабаб бўлган омиллар ва шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш юзасидан ўрнатилган тартибда тегишли Давлат бошқарув органларида таклифлар киритиш;
- одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш ва чет элга чиқиб кетган шахслар билан ишлаш йўналишларида ҳуқуқий норматив асосларни ва фаолиятни қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиши.

Ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишида автотранспорт воситаларидан жиноят содир этиш воситаси сифатида фойдаланиш кўп учрайдиган ҳолатлардан ҳисобланади. Масаланинг шу жиҳатини эътиборга олиб ушбу турдаги жиноятларни “иссиқ излари”дан очишда жиноят содир этган гумонланувчиларнинг шахсига аниқлик киритишда автотранспорт воситасининг тури, давлат рақами, русуми каби жиҳатлардан фойдаланиш ўзига хос аҳамиятга эга. Масаланинг айнан шу жиҳати бўйича тезкор қидирув фаолиятини янада такомиллаштириш борасида А.А.Таштемиров ва С.А. Калаув таъкидлаганидек, қидирув эълон қилинган шахслар ва транспорт воситаларини танишнинг электрон тизимини тезкор ташкил қилиш ва ундан кейинчалик самарали фойдаланишни таъминлайдиган амалий механизмни жорий этиш зарур[7].

Хулоса қилиб айтганда Республикамиз ҳудудида ноқонуний миграция билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:



- худудларда тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам равишда жамоатчилик билан ҳамкорлиқда олиб бориш;
- ноқонуний миграциянинг кўринишлари билан боғлиқ видео қўрсатувларни оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига етказиш;
- турли мақсадларга (ишлаш, ўқиш, даволаниш, саёҳат, савдо ишлари ва бошқа) кўра узоқ муддатга чет элга кетиб ўз яшаш манзилига қайтиб келган шахслар ва чет элга кетган шахсларнинг оила аъзолари билан профилактик тадбирлари тўлиқ ўтказиш;
- чет элда ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларни олдини олишда Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги элчихоналари билан ҳамкорлик йўлга қўйиш ва бошқа шу каби жиҳатлар ушбу соҳада амалга оширилиши белгиланган вазифалар ижроси бўйича ўзининг ижобий самарасини беради.

### References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг 2020 йил 10 ноябрь куни видеоанжуман шаклида ўтган навбатдаги мажлисида сўзлаган маърузаси. <https://kun.uz/news/2020/11/10/prezident-shhtning-mintaqaviy-aksilterror-tuzilmasini-yangi-vazifalarni-hal-qilishga-moslashtirish-zarurati-haqida>.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж.И.Н.Т/ Маъсул мухаррир А.Мадвалиев. – Т.: «Ўзбекистон нашриёти» давлат унитар корхонаси, 2020. – 687 б. Б.65.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони <https://lex.uz/docs/5841063>.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ноқонуний миграцияга қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисида”ги 2019 йил 15 апрель Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозогистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги битими // электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти:б 28.03.2023).
5. Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2020 йил 17 август ўрқ-633-сон қонуни // электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти:б 28.03.2023).
6. Таштемиров А.А. (2023). Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари. *Models and methods for increasing the efficiency of innovative research*, 2(21), 24-31.
7. Таштемиров А.А., Калауов С.А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.